БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 212 (17.196). • 15 сентябрь 1978 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

Бизнинг мамлакатимизда меҳнат шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланган. Меҳнат қилиш — ҳаётимиз қонуни, жамиятимиз олга қараб ҳаракат қилишининг асосидир. Меҳнат — фаровонлигимизнинг туб шарти, барча қувончларимизнинг сабабчиси. Социализм барча ижтимоий тузумлар орасида биринчи бўлиб жамиятимизга озод, эркин меҳнатни ҳадя этди.

Бугунги кунда коммунизм сари ташланаётган ҳар бир қадамимизнинг дадиллиги ана шу эркин, ижодкорлик меҳнатининг баракатидан ва шижоаткорлигидандир. КПСС XXV съезди ўнинчи беш йилликнинг улкан режаларини белгилаб бераркан, бу даврдаги асосий вазифа — халқ турмуши моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришдан буюк вазифани муваффақиятли бажариш учун курашда совет кишиларининг ташаббускорлик билан меҳнат қилишлари ҳал қилувчи роль ўйнашини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда съезд меҳнат онгли интизом асосида йўлга қўйилгандагина кўзланган мақсадга эришилажагини уқтирди.

Ҳақиқатан ҳам меҳнат самараларини кўпайтириш қатъий интизомни талаб қилади. Қаердаки меҳнат интизоми мустаҳкам бўлса, ўша ерда давлат планлари, юксак социалистик мажбуриятлар муваффақиятли адо этилаверади, янги резервлар ҳаракатга келтирилаверади. «Меҳнат интизомини ошириш, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев Узбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш чоғида, — ижтимоий бойликни кўпайтиришнинг шундай бир резервидирки, бу капитал маблағлар сарфланишини талаб қилмайди-ю, аммо катта ва тез самара бериши мумкин».

Меҳнат интизоми кенг маънодаги тушунча бўлиб, у ҳар бир корхона, участка, цех ва ҳар бир иш жойида онгли интизомни, ишга жонкуяр бўлишни, ижодий зийракликни, ташаббускорликни, иш вақтининг ҳар бир дақиқаси қадрига етишни, планлаштиришни, бошқаришни, меҳнатни ташкил этишни муттасил яхшилаб боришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам барча кишиларда юксак онглилик ва ўз меҳнат самарасидан манфаатдор бўлиш, янада яхшироқ ишлаш ҳиссини тарбиялаш натта аҳамиятга эга. Иш вақтининг ҳаммаси ишлаб чиқариш манфаатларига бўйсундирилиши керак. Партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) ва июль (1978 йил) Пленумлари қарорларч ҳар бир меҳнатчидан ана шуни талаб этмоқда.

Шуниси қувончлики, республикамизда ишлаб чиқаришни окилона ташкил этиб, меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш туфайли беш йиллик топшириқларини адо этишда юқори кўрсатгичларни қўлга киритаётган илғор корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари тобора кўпаймоқда. «Корхонамиз коллективи, — деб ёзади Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Н. Маннопов, — аниқ иш маромини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашиб, ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг ижодий меҳнат қилишига, иш вақтидан охирги дақиқагача ишлаб чиқариш манфатлари йўлида фойдаланилишига эришмоқда. Тошкент авиация ишлаб чиқариш ва Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмалари, Самарқанд карьер бошқармаси, Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинати, Олмалиқ мебель фабрикаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати сингари меҳнат коллективларининг фаолияти ҳар бир минутнинг қадрига етиш, ички имконият ва резерварни қидириб топиш ҳамда омилкорлик билан харакатга келтиришда намуна бўлмоқда.

Коллектив муваффақиятини одамлар ҳал қилади. Республикамизда ўз ишига чексиз садоқатли, кўтаринки руҳда серунум меҳнат қиладиган, ишга келмаслик ёки кеч келиб, эрта кетишни ор биладиган, шахсий ибрати билан бошқаларни ҳам юксак марраларни эгаллашга руҳлантира оладиган ишчилар сон-саноқсиз. Партия ташкилотлари илғор ишчиларнинг тажрибасини умумлаштириши, уларнинг ўз куч-ғайратларини асосий мақсадга сафарбар эта билиш «сир»ларини чуқур таҳлил этиб, кўпчилик мулкига айлантириши керак.

Пухта, бир маромда ишлашни ташкил этишда, меҳнат интизомини таъминлашда мумкин ва зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси қилинди, деб бўлмайди. Баъзи корхоналарда меҳнат интизоми оқсаётганлиги, ўзининг бевосита меҳнат бурчига бепарволик билан қараётган кишилар борлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Баъзи саноат, қурилиш ва транспорт ташкилотларида ишга кеч келиш ва прогулларга, кун бўйи ва сменалар орасида бекор туриб қолишларга тўла-тўкис барҳам берилмаган. Қўқондаги «Большевик» заводи, Хива гилам комбинати, Денов ёғ-экстракция заводи, Тахиатош дон маҳсулотлари комбинати, Бухоро керамзит заводи каби бир қанча корхоналар ҳам борки, уларда иш вақтининг қандай сарфланаётгани ҳисоб-китоби тўғри йўлга қўйилмаган. Бу корхоналарда маъмурият, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, участка ва цехларда иш шароитларини яхшилаш масалаларига тегишинча эътибор бермаяпти. Меҳнат интизомининг ҳозирги кун талаблари даражасида эмаслиги республика саноат корхоналарида йилига кўплаб ишчи кунининг йўқолишига олиб келмоқда.

Баъзи корхоналардаги меҳнат интизоми бўшлигининг, прогул ва ишга кеч келишларнинг асосий сабаби — ичкиликка руму қўйишдир. Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат интизомини бузишга ва ичкиликка майл қўйган кишиларни тарбиялаш, уларни ҳалол меҳнат кучоғига қайтариш, коллектив таъсир доирасига тортиш тадбирлари партиявий-ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг таркибий қисмига айланган тақдирдагина ижобий натижа бериши мумкин.

Партия ,совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик органларининг вазифаси — меҳнат интизомини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш масалалари билан астойдил шуғулланишдан иборат. Улар ҳар бир корхонада меҳнатнинг ижодий тус олишини, ишлаб чиқариш маданиятининг юксак даражада бўлишини ва иш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялашни, одамларнинг маданий-техникавий ва умумтаълим савиясини оширишни ҳамда уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашни зарур психологик муҳитни вужудга келтиришни таъминлашлари керак.

Социалистик тузумни, совет турмуш тарзини онгли интизомсиз ва уюшқоқлинсиз, ҳар бир кишининг халқ олдидаги ўз бурчини ҳалол адо этишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек. «...меҳнат интизомини ошириш билан алоқадор масалаларнинг ҳаммасига ҳар доим диққат ва эътибор бериб туришимиз, бу жуда муҳим проблемага заррача бўлса ҳам расмиятчилик билан қарашга йўл қўймаслигимиз керак».

Барча партия ташкилотлари, министрлик ва идоралар КПСС XXV съезди қарорлари, беш йиллик топшириқларини адо этишга меҳнаткашларнинг нуч-ғайратини сафарбар қилар эканлар, бутун диққат-эътиборни ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга имкон берадиган барча резервлардан моҳирлик билан фойдаланишга қаратишлари лозим.

БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

14 сентябрь куни Тошкентда «Қурилишда меҳнатни илмий ташкил қилиш» мавзуидаги Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Унинг иштирокчилари КПСС XXV съезднинг қурилиш самарадорлигини ошириш соҳасида ўртага қўйган вазифаларини амалга оширишда меҳнатни илмий ташкил этишнинг роли ва аҳамияти, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилиш истиқболлари каби масалаларни муҳокама қилмоқдалар. Конференцияда иттифоқ ва республика қурилиш министрликлари ҳамда идораларнинг ходимлари, олимлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари. Венгрия, Чехословакия, ГДР, Болгария илмий-техника жамиятларининг аъзолари иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КОНСТИТУЦИЯМИЗ БИР ЙИЛЛИГИНИ ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН НИШОНЛАЙМИЗ

ПАХТА ШТАБИ
Телефонлар: 337343 • 337604

«ГУЛИСТОН»ДА МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

НАМАНГАН («Совет Узбекистони» мухбири). Уйчи районидаги «Гулистон» совхози меҳнаткашлари тошлоқлардан иборат ерларда фидокорона меҳнат қилиб, 750 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришди. Хўжалик миришкорлари ҳар гектар ердан пландаги 30 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Механизаторлар эса етиштирилган ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териш ҳақида сўз беришган. Куни кеча совхоз далаларида машина терими бошланди. Ёш коммунист Неъматжон Ғаниев ўз агрегатини биринчи бўлиб пахтазорга олиб чиқди. У ўтган йили «зангори кема» билан 314 тонна «оқ олтин» териб берган эди. Бу йилги мавсумда янада юқори маррани кўзламоқда.

Т. НАЗИРОВ.

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

КИТОБ («Совет Узбекистони» жамоатчи мухбири). «Шари юлдузи» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Фармон Давронов бошлиқ бригадаси пахтакорлари зарбдор йилда мавжуд 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қарор қилишган. Бригадада йиғим-терим қизғин бораяпти. К. Шодиева, Х. Алиева, Д. Ҳакимова, Ҳ. Ҳасанова каби чевар теримчилар кунига 150-170 килограммдан жавоҳир териб, хирмонга тўкмоқдалар.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

«Йиллик пахта тайёрлаш планини 20 октябрда, социалистик мажбуриятимизни 7 ноябргача бажарамиз». Шофирион районидаги Охунбобоев номли колхоз заршунослари ана шу жанговар шиор остида пахта теримини зўр уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Суратларда кўпка бўй чўзаётган дастлабки хирмонлар ҳамда илғор механизатор Ҳ. Қозоқова тасвирланган.

Р. Ғафуров фотолари, (ЎзТАГ).

5.700.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида шу йил 14 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун—мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	1,63	12,53
Фарғона	1,50	10,35
Сурхондарё	0,92	7,69
Андижон	1,04	6,14
Қашқадарё	0,89	5,69
Наманган	1,10	5,23
Тошкент	0,21	0,53
Сирдарё	0,03	0,13
Самарқанд	0,07	0,12
ҚҚАССР	—	—
Жиззах	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	0,69	4,60
Шу жумладан иккичка толали пахта		
Бухоро	1,73	9,29
Наманган	1,52	5,52
Сурхондарё	0,82	3,67
Қашқадарё	0,25	1,16
Республика бўйича:	0,76	3,52

А. Н. Косигин Карелия АССРда

Илгари хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Карелия АССРга борди.

А. Н. Косигин В. И. Ленин номидаги «Петрозаводскмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. У машинасозлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганлиги билан танишди, ишчилар билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнати, турмуши ва дам олиши қандай ташкил этилганлиги билан қизиқди.

А. Н. Косигин КПСС область комитетида республика партия, совет ва хўжалик активи билан учрашди. У КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида гапириб, партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратни мусобақани янада ҳар томонлама ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини тинмай оширишга, саноат маҳсулоти ва халқ истеъмоли моллари сифатини яхшилашга қаратиш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб этди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ПЛАН—10 ОКТЯБРГАЧА

Колхозимиз аъзоларининг ҳозирги кунлардаги ижодий ташаббуси , сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги тошқин дарёга ўхшайди. Бу ташаббус, кўтаринкилик жонажон партиямиз Марказий Комитетининг 1978 йилги июль Пленуми қарорлари муносабати билан юзага келди. Пленум қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладида биз деҳқонларнинг ўтган даврда қилган меҳнатимизга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юксалтириш, дон, пахта, гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш соҳасида эришган муваффақиятларимизга юксак баҳо берилди. Бундан бошимиз осмонга етди, кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшилди.

Колхозимиз фақат районининггина эмас, балки республиканинг ҳам йирик ва илғор хўжаликларидан бири ҳисобланади. Икки минг гектар майдонда пахта, каттагина майдонда дон, беда, сабзавот, мева ва узум етиштирамиз. **Ўтган йили ҳар гектар ердан пландаги 32 центнер ўрнига 37,5 центнердан пахта, 96,1 центнердан маккажўхори дони, 152 центнердан беда пичани олинди. Ҳар бир сигирдан 3623 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга 7544 тонна пахта, кўп миқдорда дон, гўшт, сут, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар сотилди.**

Биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда бундай юксак даражага эришганлигимиз билан ҳақли равишда фахрланмоқдамиз. Бу муваффақиятлар колхозимиз аъзолари партиямизнинг ҳозирги аграр сиёсатига асос солган, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленуми, партиямиз XXIV ва XXV съездлари тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида олиб борган курашлари ва фидокорлик билан қилган меҳнатларининг қувончли натижасидир. Ҳақиқатан КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин ўтган даврда пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида кескин ўзгариш юз берди. **Кейинги ўн икки йил мобайнида колхозда пахтанинг ялпи ҳосили бир ярим баравар, дон — саккиз баравар, гўштнинг миқдори икки ярим баравар, сут — беш ярим баравар кўпайди.**

Пахтакорларимиз, галлакорларимиз ,ва чорвадорларимиз КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига жавобан маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришга қарор қилдилар. Улар бу **йил ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта, 100 центнердан маккажўхори дони, ҳар бир сигирдан 3700 килограммдан сут олиш, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазнини 400 килограммга етказишга қарор қилишган. Бу саккиз минг тонна пахта, 2405 тонна дон, 95 тонна гўшт ва 1500 тонна сут етиштириш,** ана шу маҳсулотларни давлатга белгиланганидан анча кўп етказиб бериш юзасидан қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш имконини беради.

Деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз ваъдаларига вафо қилиш мақсадида далаларда, чорвачилик фермаларида барақали меҳнат қилишмоқда. Шу туфайли галланинг ҳосили мўлжалдагидан бирмунча мўл бўлди. **898 гектар майдондаги галланинг ҳар гектаридан пландаги 14,2 центнер ўрнига қарийб 30 центнердан ҳосил олинди.** Шу жумладан, **дон учун суғориладиган 135 гектар ерга экилган маккажўхорининг гектаридан 100 центнердан ортиқ ҳосил олинди.** Шундай қилиб, пландаги 1298 тонна ўрнига 2500 тоннадан энёд дон етиштирилди. Давлатга дон сотиш юзасидан олинган мажбурият ошириб адо этилди.

Барча майдондаги ғўза агротехника қоидалари асосида сифатли парвариш қилинди. Унинг ҳосили мўл бўлди ва эрта етилди.

Эндиликда қаерда машина терими кенг йўлга қўйилса, барча терим машиналарининг тўла қувват билан унумли ишлаши, ҳар бир машина билан имкони борича кўпроқ пахта терилиши таъминланса. Ўша ерда ҳосил йиғим-терими кампанияси муваффақиятли ўтади, етиштирилган барча ҳосил қисқа муддатда нобуд қилмай йиғиштириб олинади, давлат планы ва қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятлар бавақт тўла-тўкис адо этилади.

Колхозимизда ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик ана шундай шиор остида олиб борилмоқда. Аввало шуни айтиш керакки, механизаторларимиз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб беришга ваъда қилишган. Шу мақсадда улар ғўзани машинабоп қилиб парвариш қилиш билан бир қаторда, мавжуд терим техникасини сифатли ремонт қилишди.

Машина терининг, бинобарин умуман ҳосил йиғим-терининг муваффақияти ғўзанинг барги ўз вақтида сифатли тўктирилишига боғлиқ эканини ҳисобга олиб, дефолиацияни 5 сентябрда бошладик.

Теримда мавжуд 40 та пахта териш машинаси ва 1100 теримчи иштирок этади. Ҳар бир терим машинаси учун 132 тоннадан иборат мавсум нормаси белгиланди. Машиналар 30 кун ишлатилади. Демак **ҳар бир машина билан бир кунда ўрта ҳисобда тўрт ярим тоннадан, 40 та машина билан эса 180 тонна пахта терилади. Ҳар бир теримчига 60 килограммдан иборат кунлик норма белгиланди. Қўл билан бир кунда 66 тонна пахта терилади. Шундай қилиб бир кунда жами 240—250 тонна пахта терилади. Бу йиллик планнинг салкам тўрт процентига тенг.** Ленин теним авжи қизғин тус олган паллада, худди ўтган йиллардагидек, бир кунда йиллик планнинг 5—6 проценти миқдорида ва бундан ҳам кўпроқ пахта терилади ва тайёрланади. Биз ҳосил йиғим-терими даври учун тузган графигимизда планни 25 кунда эмас, балки 20 кунда, яъни 10 октябрда бажаришни мўлжаллаганимизда шуни ҳисобга олдик. Йиллик план бажарилгандан кейин орадан узоғи билан 15 кун ўтгач мажбуриятимизни ҳам адо этишни назарда тутмоқдамиз.

Биз ҳосил йиғим-теримини жиззахликлар ташаббусига қўшилиб, ипатовликлар методи асосида ташкил этамиз. Шу мақсадда бешта терим-транспорт отряди ташкил этилди. Ҳар бир отряд составида 6—10 та терим машинаси, 14—25 та тележка, биттадан погрузчик бўлади. Бундан ташқари, заправка қиладиган агрегат ва кўчма устахона биркитиб қўйилади.

Умуман колхоз бўйича йиғим-терим штаби ташкил этилди. Унинг составига правление, партия комитети раҳбарлари ва колхознинг етакчи мутахассислари киритилди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим даври учун тузган тадбирларда механизаторлар ва теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, илғорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, пахтакорлар ва механизаторлар унумли меҳнат қилишлари учун зарур маданий-маиший шароитлар яратиш назарда тутилган.

Ҳ. ҲАМРОҚУЛОВ.
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз раиси.
В. ХАМ,
партия комитетининг секретари.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК—АСОСИЙ МАСАЛА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари муносабати билан республика аҳолисига медицина ёрдамини такомиллаштириш масалаларига бағишланиб 14 сентябрь куни Тошкентда соғлиқни сақлаш ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг ходимлари, медицина муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, министрликлар ва идораларнинг, йирик корхоналарнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. Зоиров доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Самарқанддаги 1-поликлиниканинг участка врачи М. Х. Шарафутдинова, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, Тошкент медицина институтининг ректори У. О. Орипов, Қашқадарё область болалар касалхонасининг бош врачи Г. А. Пўлатова, Бухоро шаҳридаги поликлиниканинг участка болалар врачи В. И. Тараненко, Фарғона область ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. А. Эгамбердиева, Андижон медицина институтининг ректори Ю. О. Отабеков қатнашдилар.

Докладчи ва нотиқлар шуни таъкидладиларки, КПСС XXV съезди қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежнев докладлари ҳамда нутқларида баён этилган вазифаларни амалга ошириш натижасида республикада соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинди. Кейинги йилларда медицина муассасалари тармоғи анча кенгайди. Йирик касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар ишга туширилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари йириклаштирилди, медицина ёрдамини ихтисослаштириш ривожлантирилмоқда, бу эса врач кадрлардан, медицина техникасидан янада оқилона ва самарали фойдаланиш, замонавий медицина фани ютуқларини соғлиқни сақлаш практикасига тезроқ жорий этиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга аҳолига медицина хизматини такомиллаштириш учун ҳамма имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Халқ соғлиғини сақлашнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, диагностика ва даволаш ишининг сифатини ошириш зарур, қишлоқ врачлик амбулаториялари тармоғини кенгайтириш, қишлоқ даволаш муассасаларини малакали врач кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш, аёллар ва болаларга даволаш-профилактика ёрдамини яхшилаш, айниқса қишлоқ жойларда санитария маданиятни даражасини янада баланд кўтариш лозим.

СССР соғлиқни сақлаш министри академик Б. В. Петровский ўз нутқида аҳолига медицина хизматини янада такомиллаштириш, меҳнаткашлар сиҳат-саломатлигини сақлаш соҳасидаги бутун ишнинг самарадорлигини ошириш вазифаларига тўхталиб ўтди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Л. В. Салмин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«ВЕНЕРА-12» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ва қуёш системаси планеталарини тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, 1978 йил 14 сентябрь куни Совет Иттифоқида «Венера-12» планеталараро автомат станцияси учирилди.

«Венера-12» автомат станцияси конструкцияси ва вазифаси жиҳатидан 1978 йил 9 сентябрь куни учирилган «Венера-11» станциясига ўхшайди.

Станциялар ҳаракати траекторияларининг параметрлари мўлжалдагича яқин.

«Венера-11» ва «Венера-12» автомат станцияларининг учиши Венера планетаси тўғрисида, шунингдек космик фазода рўй бераётган физикавий жараёнлар ҳақида тўлароқ маълумотлар олиш имконини беради.

«Венера-11» ва «Венера-12» станцияларининг учиши олис космик алоқа марказидан бошқариб турилибди.

Автомат станцияларнинг борт системалари ва аппаратлари нормал ишлаб турибди.

«Венера-11» станцияси сингари «Венера-12» автомат станцияси ҳам 1978 йил декабрида планета чеккасига бориб етади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йил, самарали ишлаганлиги ва республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмон ходими» фахрий унвони берди:

Остонов Хўжамурод — Бухоро область Шофирикон ўрмон хўжалигининг директори.

Эшонқулов Маҳамади — Сурхондарё область Узун ўрмон хўжалигининг ўрмон қоровули.

Каримов Султон Балақшеевич — ўрмон хўжалиги Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтига қарашли Чоткол тоғ мелиорация тажриба станциясининг директори.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш соҳасидаги илмий проблемаларни ишлаб чиқишда актив қатнашганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими Президиуми Раисининг ўринбосари Александр Сергеевич Цамуталини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми табиатни қўриқлашни ташкил этиш соҳасида узоқ йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон табиатни қўриқлаш жамияти республика кенгаши Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари Иван Макарович Дудуравни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йил, самараали ишлаганлиги ва республика ўрмон хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Узбекистон ССР ўрмон хўжалиги ходимларидан бир группасини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Янгийўл пахта тозалаш заводи коллективи янги пахта ҳосилини қайта ишлашга киришди. Корхона меҳнат аҳли бу йил 80 минг тонна «оқ олтин»дан нўлаб тола тайёрлаш мажбуриятини олган. Суратларда: (чапдан) 1. Тозалаш цехи бригадаси бошлиғи И. Бўрибоев ва шу цех ишчиси Ф. Ғатина. 2. Жўнатишга тайёрланган дастлабки той маҳсулотлар.

И. Глауберзон фотолари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТ ҲИСОБ БЕРДИ

Москва район партия комитетининг бюро мажлиси давом этмоқда. Минбарда — район партия комитетининг бюро аъзоси, пахта тозалаш заводининг токари Станислав Бабич. Бюрода унинг ҳисоботи тингланяпти.

— Ўтган йили, — деди у, — райком бюросига 2 та масалани тайёрлашда иштирок этдим. Ўзим меҳнат қилаётган ремонт бригадаси партия ташкилоти йиғилишларида меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, маҳсулот сифатининг юқори бўлишига доир фикр ва таклифларим билан қатнашдим. Кейинги икки йилда 4 нафар разрядли токарга мураббийлик қилдим. Ҳозир КПСС Марказий Комитети қошидаги Олий партия мактабининг учинчи курсида сиртдан ўқимоқдаман...

Станислав Фёдорович пахта тозалаш заводида илғор ишчиларнинг бири. У ўзининг меҳнат фаолиятини шу ерда бошлади. Саккизинчи синфни тамомлагач, токарликка шогирд тушди. Ишлаб туриб, кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқиди. Меҳнатда, коллектив ўртасида обрў-эътибор топди. Завод коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилдилар. Номи корхона «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Кунлардан бир кун завод бош инженери Камол Файзиев Станиславни ҳузурига чақирди. Унга ихтирочилик таклифларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш фаол иштирок этиш зарурлигини билдирди.

— Жуда соз, ҳаракат қиламан, — жавоб берди у.

Кейинги икки йил-у олти ой мобайнида заводда 73 та ихтирочилик таклифидан 68 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада, 200 минг сўмдан кўпроқ маблағ иқтисод қилиб қолинди. Станислав Бабич 5 та рационализаторлик таклифига бевосита раҳбарлик қилди. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобига 16,5 минг сўм маблағ тежалди.

Ҳалол меҳнат кишини улуғлайди, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Станислав Фёдорович ўзининг меҳнатсеварлиги, ташкилотчи ва тадбиркорлиги билан кўпга танилди. Район партия комитетининг бюро аъзолигига сайланди. Заводда ремонт бригадаси касаба союз ташкилоти бюросининг аъзоси. Район ихтирочилар ва рационализаторлари ишига раҳбар, ажойиб мураббий.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг ҳисобини вақти-вақти билан эшитиб бормоқдалар. Ўтган йили ва шу йилнинг беш ойи ичида 312 коммунистнинг ҳисоби тингланди. Район партия комитетининг пленумларида райком аъзоларидан сут соғувчи Тиниқхон Эрматова, гишт терувчи Абдулазиз Миразизовларнинг ҳисоби эшитилди. Яқиндагина яна бир коммунист — Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси Исмоилжон Иброҳимов ҳисоб берди.

У раислик қилаётган колхозда ободончилик ишлари кенг кўламда олиб борилянти, мактаб ва болалар муассасалари иши тобора яхшиланмоқда. Қишлоқда маданий хизмат кўрсатиш ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этилмоқда. Колхоз правлениеси перспектив план асосида иш кўрянти. Хўжалик партия комитети коммунист Иброҳимовга колхоздаги ёш коммунистлар мактабига раҳбарлик қилишни сифатида берган эди. Ҳозир мактаб машғулотларида 19 ёш коммунист актив қатнашиб, ўзларининг сиёсий билимларини ошириб боришяпти.

Бюро коммунист Иброҳимов фаолиятидаги ижобий томонларни кўрсатиш билан бирга, хўжаликка раҳбарлик қилиш даражаси қониқарли эмаслигини, у раис бўлган колхозда пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ички резерв ва имкониятлардан яхшироқ фойдаланилмаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Колхоз пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан район кўрсаткичидан орқада. Ўтган йили 3 та бригада плани тўлмай қолди. Чорва маҳсулотлари етиштириш ва унинг рентабеллигини ошириш етарли эътибор қилинмаянти. Оқибатда ўтган йили колхозда гўшт етиштириш плани 72,6 процент, сут етиштириш 98 процент бўлиб, бажарилмай қолди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори пландагидан 41 килограмм кам бўлди. Хўжаликда маҳсулот таннархи ошиб кетди. Масалан, 1 центнер пахта етиштириш учун планга нисбатан 6 сўм, 1 центнер мол гўшти учун 80 сўм кўп маблағ сарфланди.

Район партия комитетининг бюро аъзолари коммунист Иброҳимов ҳисобини диққат билан тинглаб, партиявий талабчанлик ва принципиаллик билан муҳокама қилдилар.

Андижон область Москва район партия комитети бюроси барча бошланғич ва цех партия ташкилотларидан КПСС Устави талабларини ҳар бир коммунистнинг тўла бажаришига эришиш, партия йиғилишларида коммунистлар ҳисобини мунтазам эшитиб бориш ва уларнинг авангардлигини таъминлашга катта эътибор бермоқда. Ҳар бир коммунистнинг юксак ғояли, партиянинг актив жангчиси бўлиши, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бориши учун бутун чораларни кўрянти.

Н. МУМИНОВ.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ВЛКСМ 60 ЙИЛЛИГИГА

Тошкент Тўқимачилик комбинати биринчи тўқимачилик фабрикасининг мастер ёрдамчиси Илёс Губайдуллин бошчилигидаги бригада беш йиллик бошланганидан бери бир миллион метр газлама ишлаб чиқарди. Шундай қилиб, ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига план ва социалистик мажбурият бир ярим баравардан ҳам кўпроқ ошириб бажарилди.

Губайдуллин бошлиқ коллектив қийин вазифани уддалади. Чунки бригада нуқул ёшлардан иборат, ҳаммага ишчилик маҳоратини ўрганиш зарур. Бунда мураббийнинг катта хизмати бор. Мастер ёрдамчисининг маслаҳатлари тўқувчилардан Насиба Қамбарова ва Светлана Смородинага кўпроқ станокларда ишлашга кўчиш имконини берди. Улар ҳозир кормадаги 32 та ўрнига 48 та дастгоҳда ишлачоқдалар.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Пармалаш ишлари Сурхон бошқармаси коллективи планга қўшимча равишда бир ярим минг метр қудуқ пармаладик. Коллектив биринчи ярим йилдаёқ беш йилликнинг уч йили мажбуриятини бажариб қўйган эди. Пармаловчилар зиддиликда ошириб мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Тажрибали мастерлар Марс Давлетшин ва ака-ука Георгий ҳамда Алексей Тимошинлар бошлиқ бригадалар мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Илғор бригадалар йил охирига қадар яна планга қўшимча равишда қариб икки минг метр қудуқ қазишга аҳд қилдилар.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Совет халқи қутлуғ айём арафасида турибди. Улар яқин кунларда СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини нишонлайдилар. СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қабул қилинган мамлакатимиз Асосий Қонуни Ватанимиз ривожланиш тарихида янги босқич бўлиб, социалистик демократияни тараққий эттириш йўлида қўйилган катта қадам ҳисобланади. Ривожланган социалистик жамиятнинг бу тарихий ҳужжати, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев таъбири билан айтганда, бугунги кунда ҳамма ерда яшамоқда, амал қилмоқда ва кенг қўлланилмоқда.

СССР Олий Совети 1978 йил 6 июлда СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Қонун қабул қилди.

Бу янги Қонун сайлов системамизнинг асосий қоидаларини давом эттиришга риоя қилиб, амалда ўзини оқлаган ҳуқуқий нормаларни сақлаб қолади, мамлакатимизда сайлов ўтказишнинг кўп йиллик тажрибасини ўзида ифода этади. Шу билан бирга, бу Қонун ҳар бир сайловчининг сайловларда бемалол қатнашиши учун реал имкониятлар яратиб берувчи гарантияларни янада кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Социалистик демократия сайловчиларнинг сайловларда кенг қатнашиши принципини эълон қилибгина қолмай, айни вақтда бу принципни амалга оширишни ҳам таъминлайди. Бизнинг мамлакатимизда бу принцип сиёсий, иқтисодий ва юридик гарантиялар билан таъминланади.

Совет сайлов системасининг асослари СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. СССР Конституциясининг тегишли қоидаларини янада конкретлаштирган ва тўлдирган ҳолда, мамлакатимиз янги Қонуни бизда сайловлар умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган демократик принциплар негизида амалга оширилишни биринчи бўлиб қўйган. Сайлов тўғрисидаги янги Қонуннинг 2-моддаси гражданларнинг ўз бурчларини ҳеч қандай монёсиз амалга ошириш ҳуқуқини янада кенгайтиради. Бу моддада айтилишича, СССР гражданларининг сайлов ҳуқуқларини уларнинг ижтимоий чиқиши, социал ва мулкий аҳволи, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабати, муайян жойда қанча вақт яшаётганлиги, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб бирон-бир йўл билан бевосита ёки билвосита чеклаш man этилади. Мазкур Қонуннинг 11-моддасида СССР гражданига ўз сайлов ҳуқуқини эркин тарзда амалга оширишга халақит берувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади, деб ёзилган.

Совет сайлов системасининг халқчил бўлган чуқур демократик хусусияти тенг сайлов ҳуқуқи принципида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Қонунда, шунингдек, сайлов участкаларини тузиш тартиби янгича тарзда белгиланган. Агар илгарилари бундай участкалар аҳоли сонига қараб тузилиб келган бўлса, эндиликда эса сайлов участкалари сайловчилар сонига қараб тузилади.

Ҳокимият органларини сайлашда халқнинг актив равишда иштирок этиши мамлакатимизда қонуний бир ҳолдир. Аммо, «эркин демократия» деб ном чиқарган капиталистик мамлакатларда аҳвол бутунлай бошқачадир. У ерда сайловчиларнинг аксари қисми буржуа демократиясига ўз ишончини йўқотган бўлиб, сайловларда иштирок этишдан онгли равишда бош тортадилар. Айниқса бу ҳолни Америка Қўшма Штатларида яққол кўриш мумкин. Абсентеизм, яъни сайловлардан оммавий равишда бош тортиш, буржуа демократиясининг ҳақиқий башарасини кўрсатувчи аянчли ҳолдир.

СССР Конституциясининг СССР Олий Совети ҳар иккала палаталарига тенг миқдорда сайланадиган депутатлар сонини белгилаб берувчи 110-моддасига асосланиб, сайлов тўғрисидаги Қонунда сайлов округларини территориал принцип асосида тузиш кўзда тутилган. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча аҳоли тузадиган органгина чинакам ваколатли орган ҳисобланиши мумкин. Шунга кўра, бизнинг мамлакатимизда кенг меҳнаткашлар оммасининг жамият ташкилотлари ҳамда меҳнаткашлар жамиятлари томонидан сайлов комиссияларига юборриладиган вакиллар сайловларга бевосита раҳбарлик қиладилар. Фақат 1974 йилги СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловларда мамлакатимизда 172498 та ҳар хил комиссиялар тузилиб, бу комиссияларда 1.432949 киши қатнашди.

КПСС Программасида ёзилганидек «Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш чоғида энг муносиб ва обрўли номзодларни танлаш учун уларнинг шахсий ва иш соҳасидаги хислатларини йиғилишларда ва матбуотда жуда кенг равишда, ҳар томонлама муҳокама қилиш таъминланиши лозим». Ана шунга асосан янги Қонунининг 38-моддасига биноан меҳнат коллективларидан депутатликка номзодлар касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитетлари томонидан чақириладиган ана шу коллективларнинг умумий йиғилишларида кўрсатилади. Йирик меҳнат коллективларида бундай йиғилишлар цехлар, участкалар, сменаларда, бригадалар, бўлинмалар бўйича ўтказилиши мумкин. Ходимлари сони унча кўп бўлмаган меҳнат коллективлари бундай йиғилишларни бошқа меҳнат коллективлари билан биргаликда ўтказишлари мумкин. Депутатликка номзодлар кўрсатиладиган ҳарбий хизматчилар йиғилишлари ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан чақирилади.

Кейинги йилларда сайлов кампанияси практикасига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун чақириладиган округ сайловолди кенгашларини ўтказиш, муроажатномалар ва чақириқлар қабул қилиш, депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини сайлаш тажрибаси кенг кириб бормоқда. Шунга кўра янги Қонунининг 40-моддасида қаётда ўзини оқлаган бу тажриба янада мустаҳкамланган.

Қонун депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тартибини, номзодларни кўрсатиш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш тартибини янгича белгилаб берган ва унда номзоднинг истаган вақтида ўз номзодини бекор қилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Депутатликка номзодларни кўрсатган ёки уларни қўллаб-қувватлаб чиққан жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат коллективларига Қонун бўйича ўз номзодларини ёқлаб бемалол агитация юргизиш йиғилиш ва митинглар ўтказиш учун тегишли бинолардан текин фойдаланиш, шунингдек, сайловолди агитациясини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Ҳар бир гражданнинг агитация-пропаганда ишларида қатнашиш ҳуқуқи ҳам гарантиялаб қўйилган.

Совет сайлов системаси чинакам демократизмининг асл маъноси яна шундан иборатки, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳаммасини давлат ўз зиммасига олади, бунда капиталистик мамлакатлардагидан фарқли ўлароқ, номзодларнинг ҳам, сайловчиларнинг ҳам зиммасига ҳеч қандай моддий харажатлар тушмайди.

Халқ депутатлари Советларининг меҳнаткашлар наказлари билан ишлаш тажрибаси СССР Конституциясининг 102-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шунга асосланиб, СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунининг 9-моддасида: **наказлар сайловчиларнинг сайловолди йиғилишларида киритилади, наказларни киритиш, кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва бажариш тартиби эса қонун билан белгиланади, деб ёзилган.**

Депутатликка номзодларнинг фаолиятига оид гарантиялар СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунда биринчи бор кўзда тутилиши жуда катта ва принципиал аҳамиятга эгадир. Қонунининг саккизинчи бўлими ана шунга бағишланган бўлиб, ундаги қоидаларга кўра рўйхатга олинган барча номзодлар сайловолди йиғилишларида, кенгашларида, митингларида, шунингдек, матбуотда, телевидение ва радио орқали тенг ҳуқуқлар асосида қатнашиши ва сўзга чиқиши мумкин. Депутатликка номзодларга депутатлик иммунитети жорий этилади. Депутатликка номзод СССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд йўли билан маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас. Депутатликка номзод айни вақтда ўз округи доирасида пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари) текин юриш ҳуқуқига эгадир. Округ доирасидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам, сайлов округига келиш ва ўз истиқомат жойига қайтиш чоғида ана шу ҳуқуқдан фойдаланади.

Янги Қонунда овоз бериш ва сайлов якунларини кўриб чиқиш тартиби, берилган овозларни санаб чиқиш ва сайлов ҳужжатларини тўлдириш чоғида участка ҳамда округ сайлов комиссияларининг бажарадиган функциялари ҳам белгилаб қўйилган.

Шу тарзда, мамлакатимиз давлат ҳокимияти энг олий ваколатли органига сайлов тўғрисида қабул қилинган янги Қонун СССР Олий Советини кенг демократик асосларда тузишни таъминлайди, СССР гражданларига ҳокимият олий органининг ҳар иккала палатасига халқнинг ихтиёрини ишончига сазовор бўлган энг яхши кишиларни сайлаш учун реал имкониятлар яратиб беради.

Сайловлар бизда ҳамиша социалистик тузумнинг мустаҳкамлигини, мамлакатимиз меҳнаткашларининг юксак онглилиги ва активлигини, уларнинг жонажон Коммунистик партияга ва Совет давлатига чексиз садоқатини кўрсатувчи ёрқин далилга айланиб келди ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолади. Зотан халқ манфаатари, демократия манфаатлари ана шунда ўзининг яққол ифодасини топади.

О. ОЛИМЖОНОВ,
юридик фанлари кандидати.

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ

САМАРАДОРЛИК — БОШ МАСАЛА

Ҳозирги кунда илмий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва янгиликлар ҳамда фан ютуқларини амалиётга жадал жорий этиш экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолди. Хўжалик шартномалари ва ижодий ҳамдўстлик тўғрисидаги шартномалар тобора кенг қулоч ёймоқда. Олимлар ва халқ хўжалиги ходимлари шу шартномалар асосида фан-техниканинг жуда муҳим вазифаларини ҳамкорликда ҳал этмоқдалар. 15 сентябрь куни Тошкент халқ хўжалиги институтида иш бошлайдиган республика илмий-амалий конференцияси ҳам муҳим мавзуга бағишланган. Илмий анжуман қатнашчилари икки кун мобайнида «Социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда молия-кредит механизми ролини кучайтириш» хусусида атрофлича суҳбатлашиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида хўжалик юритишнинг интенсив методларидан фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш партия иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан деб таъкидланди. Бу вазифаларни ҳал этишда иқтисодий бирликлар роли кескин ошиб бормоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг айрим тармоқлари самарадорлиги назарияси ва амалиётининг кўпгина масалаларини тадқиқ этишга даъват қилинган иқтисодий билимлар айни чоғда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарув ва планлаштиришни такомиллаштириш резераларини атрофлича ва маланали таҳлил этади.

Тошкент халқ хўжалиги институти илмий фаолиятида партиямиз XXV съездидан сўнг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ривожланган социализмнинг барча социал-иқтисодий вазифаларини комплекс ҳал этишда, хўжаликнинг социалистик системаси афзалликларидан фойдаланишнинг конкрет йўлларини ишлаб чиқишда бош йўналиш бўлиб қолди. Институт олимларининг тадқиқотлари натижалари монографияларда, илмий тўпламларда эълон қилинмоқда, турли конференцияларда умумлаштирилаётир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва институт ташаббуси билан ўтган йили сентябрь ойида ривожланган социализм экономикасининг методологик ва регионал проблемалари ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мавзуида республикаларо илмий-амалий конференция ўтказилган эди. Унда халқ хўжалигини планли бошқаришни такомиллаштириш, Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш кучларини тўғри ҳам ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш юзасидан тавсиянномалар ишлаб чиқилди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш проблемалари хусусидаги назарий тадқиқотларда иқтисодий рағбатлантириш, хўжалик ҳисоби, молия-кредит системасининг турли соҳаларини чуқур таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади. Республика Молия министрлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган бу галги конференция ана шу муҳим мавзуни чуқур ўрганишга қаратилган.

Конференция ишида олим ва мутахассислар, иқтисодий илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, шунингдек, республика партия ва хўжалик органларининг, министрлик ва идораларнинг вакиллари, Ўрта Осиё республикалари, Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан жами 300 дан ортиқ киши иштирок этади. Олимларимиз илмий изланишларининг муҳим якуни ва натижалари ялпи ҳамда секция мажлисларида муҳокама қилинади. Мажлисларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг молиявий омилларини активлаштиришнинг, молия органлари иқтисодий ишини такомиллаштиришнинг, айрим тармоқларни кредит билан таъминлашнинг, халқ хўжалигида пул муомаласини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобни яхшилашнинг назарий ва амалий масалалари қараб чиқилади. Конференцияда СССР молия министрининг ўринбосари С. Ситарян, республика молия министри В. Муродхўжаев, Давлат банки Ўзбекистон конторасининг бошқарувчиси Ш. Ёқубов ва бошқа мутахассислар доклад қиладилар. Конференция қатнашчилари 200 дан ортиқ илмий маърўза ва нутқ тинглайдилар.

Олимларимиз бир қанча амалий тавсиянномалар яратдилар. Бу тавсияномаларнинг аксарияти амалиётга жорий этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси беш йиллик ва жорий молия планлари тузиш жараёнини янада такомиллаштириш, республика халқ хўжалиги миқёсида, министрликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари миқёсида пул маблағлари ҳаракатини янада аниқ ташкил этиш имконини беради. Бу мавзуни ўрганишга комплекс ёндашиш тармоқ бўйича ўртача нормативлар ишлаб чиқариш таклифларида ўз ифодасини топган. Ҳисоб-китобларнинг илмий асосланганлигини ошириш ва улар методикасини яхшилаш, электрон-ҳисоблаш машиналари ва бошқаришнинг автомат системасини, иқтисодий-математик методларни янада кенг қўлланиш юзасидан таклифлар юзага келди.

Конференция ишида совхоз ва колхозларда моддий ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини оширишга, даромад ва рентабелликни кўтариш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилади. Бу борадаги тадқиқотлар натижалари планлаштиришни илмий асосда ташкил қилиш, маълум хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари даражасига қараб пахта етиштириш баҳосини алоҳида-алоҳида ўрганиш, агросаноат комплекслари ва хўжаликлараро кооперацияни янада ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Айни чоғда ички ишлаб чиқариш резерваларини ишга солиш, соф фойдани оқилона тақсимлаш, жамғарма фонди билан истеъмол фондининг тўғри нисбатини қарор топтириш, социал страхование ва социал таъминотни такомиллаштириш хусусидаги таклифлар ҳам ишлаб чиқаришга дадил жорий этилиши яхши иқтисодий самара бераётир.

Институтда олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида совхозларни тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш, уларда янги корхоналар қурилишига, мавжудларини кенгайтиришга ва техника билан қайта жиҳозлашга капитал маблағ сарфлаш масалалари кенг кўламда ишлаб чиқилмоқда. Илмий ечимларнинг юксак даражаси ва иқтисодий жиҳатдан яхши асосланганлиги совхозларда фонд учун жамғарма ажратиш ва пул ундириш ишларини қайта кўриб чиқиш, рентабелли хўжаликларнинг ўз маблағларидан оқилона фойдаланишлари, янги нормативларни ҳисобга олган ҳолда страхование ўтказиш борасидаги қимматли таклифларнинг асосий хусусиятидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарорида совет кишиларини ғоявий-сиёсий, маънавий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда совет маданияти ва санъати таъсирини кучайтириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яқинлаштириш, қишлоқларда маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Конференция қатнашчилари ўз илмий тавсияномаларида бу проблемаларни ҳал этишга кўмаклашадилар, қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш ишини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг ролини оширишга ва учун шароит яратадилар.

Капитал маблағларни ишга туширилдиган объектлар ва қурилишларга тўплаш, тугалланмаган қурилишлар ҳажмини қисқартириш ва қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан қурилиш ташкилотларининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги ахборотлар зўр диққат-эътибор билан тингланишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, илмий тадқиқотларнинг ана шу комплекси катта аҳамиятга эгадир. Бу ўринда шу беш йиллик бошидан буён республика министрликлари ва идоралари капитал қурилишга 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратганликларини айтишнинг ўзи кифоя. Сув хўжалиги қурилишида маблағлардан самарали фойдаланиш, уларда хўжалик ҳисобини ривожлантириш, қурилиш ташкилотлари, трест ва бошқармалар фаолиятида бошбошдоқликни бартараф этиш учун маблағлардан самарали фойдаланиш проблемалари атрофлича ўрганилмоқда. Бу ишлар назарий жиҳатдангина эмас, балки капитал маблағлардан янада самарали фойдаланиш комплекс тадбирларини амалга ошириш жиҳатидан ҳам жуда қимматлидир.

Институт олимларининг илмий изланишлари, шунингдек, кредит системаси ҳаракатини, унинг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари фаолияти самарадорлигини яхшилашга, илмий-техника тараққиётини тезлаштиришга ва маҳсулот сифатини оширишга таъсирини чуқур ўрганишга қаратилган. Оборот маблағларини нормалаштириш, улардан оқилона фойдаланиш ва ҳаракатини тезлаштириш, пландан ташқари запаслар бўлишига йўл қўймасликдан моддий манфаатдорликни ошириш ҳамда банкларнинг бу соҳадаги назоратини кучайтириш хусусидаги тадқиқотлар кўпчиликда қизиқиш уйготиши турган гап. Айрим тармоқ ва объектларда, энг аввало капитал қурилишда, пахта тозалаш саноатида ҳисоб-китобни, касса хизматини, молия ва узоқ муддатли кредитлашни янада такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва дастлабки ишлов бериш қоидаларига қатъий риоя қилинишини банк ходимлари пухта назорат қилишлари катта аҳамиятга молиқдир.

Конференция қатнашчилари қиймат, молия, кредит системаси, моддий рағбатлантириш, бошқарув механизми ва планлаштириш самарадорлигини ошириш хусусида қатор таклифларни ўртага ташлайдилар. Бундан ташқари республика Молия министрлиги, Давлат банки ва Қурилиш банки Ўзбекистон конторалларига тавсияномалар ишлаб чиқадилар. Бу тавсияномаларнинг амалга оширилиши эса халқ хўжалигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Республика илмий-амалий конференцияси иқтисодчи олимлар партия ғамхўрлигига жавобан коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга актив ҳисса қўшаётганларининг ўзига хос ҳисоботи бўлиб қолади.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Чирчиқ трансформатор заводи республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан биридир. Унда ишлаб чиқарилаётган кучланишли электр трансформаторлар халқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, саноат корхоналарига, электр станциялари қурилишига пешмапеш жўнатилиб турилибди.

Суратда: заводнинг илғор йиғувчиларидан Н. Наумов (чапда) ва А. Савеко. Улар ўниничи беш йиллик учинчи йили топшириқларини барвақт бажаришга муваффақ бўлишди.

И. Глауберзон фотоси.

МАВСУМ БОШЛАНДИ

Гулистон пахта заводи коллективи «Сирдарьязаготхлопкопром» бирлашмасида биринчи бўлиб беш йилликнинг учинчи йили мавсумини бошлаб берди. Янги ҳосил пахтасидан маҳсулот чиқаришни бошлаб бериш фахрий ҳуқуқи мусобақада пешқадамлик қилаётган Шибиб Кенжалиев бошлиқ бригадага берилди.

Завод ҳосилни қайта ишлашга жуда яхши тайёргарлик кўрди. Корхонада юқори унумли ускуна ўрнатилди. Ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Гулистон ва Комсомол районлари кўпгина хўжаликларининг пахтакорлари илғорлардан ибрат олиб, социалистик мусобақа тўғрисида завод билан шартнома тузишдилар. Бу шартномаларда терим шартлари ва муддатлари, «оқ олтин»ни тайёрлаш ва қайта ишлаш, тўқимачилик саноатига етказиб бериладиган хом ашёнинг сифатини ошириш тадбирлари кўзда тутилган.

Сирдарё области. Ильич рай онидаги генерал Узоқов номли совхозда илғор чорвадорлар кўп. Сут соғувчи Маърифат Суярова ана шулардан бири. У бу йил ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан уч минг килограммдан сериаймоқ сут соғиб олиш учун курашмоқда.

Суратда: М. Суярова.

А. Тўраев фотоси.

ЯМПОЛЬ РАЙОНИ ЛАВЛАГИКОРЛАРИ ВА ҚАНД ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

ҲАМКОРЛИК

Винница область Ямполь райони меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусларидан руҳланган республикамиз пахтакор хўжаликлари ва пахта тозалаш заводлари коллективлари ўзаро ҳамкорлик ҳамда социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирмоқдалар.

Янгийўлдаги Ф. Носиров номли пахта тозалаш заводи ҳамда Назарали Ниёзов номидаги колхоз республикамизнинг илғор коллективларидан саналади. Винница область Ямполь райони лавлагикорлари ва қанд заводи коллективининг ажойиб ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қаторида қўшилган бу икки коллектив ўзаро ҳамкорликда мусобақалашиб ишламоқдалар.

Куни кеча биз Ф. Носиров номли пахта тозалаш заводида бўлдик. Мана, завод касаба союз комитетининг раиси Э. Қўлдошев билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Илтимосимизга кўра у Назарали Ниёзов номидаги колхоз деҳқонлари билан қилинаётган ўзаро ҳамкорлик, социалистик мусобақа ҳақида сўзлаб берди:

— Ҳамжиҳатликка нима етсин?! Винница областининг Ямполь райони лавлагикорлари билан қанд заводи коллективининг ўзаро ҳамкорликда мусобақалашиб ишлаш ҳақидаги олижаноб ташаббусларини коллективимиз яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. Маълумки, биз районимиздаги Назарали Ниёзов номли колхоз деҳқонлари билан ана шундай ҳамкорлик ва социалистик мусобақа ўрнатганмиз. Ҳамкорлигимиз завод ҳамда колхоз вакилларининг қўшма йиғилишидан бошланди. Шу йиғилишда ҳар икки томон ўз зиммасидаги вазифаларни аниқлаб, конкрет шартнома қабул қилди. Шартномада завод ва колхоз коллективи томонидан бажариладиган ишлар аниқ белгиланган. Шунга кўра, пахта қабул қилиш пайтида ишлатиладиган механизмлар ремонтини аъло даражада ўтказиб, ҳар кунга белгиланган пахтани қабул қилиш таъминланиши лозим. Коллективимиз ремонт ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Мавжуд еттита пахта қабул қилиш пункти, пахтани қуритадиган бешта цех, тош-тарозилар, лабораториялар мавсумга тахт қилиб қўйилди. Лаборатория ходимларининг малакасини ошириш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам янги мавсум олдидан қисқа курс очиб, уларни ўқитдик, синовдан ўтказдик. Заводимиз коллективи зиммасида бу йил ниҳоятда масъулиятли вазифа турибди. Биз ўз районимизда етиштирилган пахта ҳосили билан бир қаторда Коммунистик районининг хўжаликларида етиштирилган «оқ олтин»нинг бир қисмини ҳам қабул қилиб олишимиз керак.

— Мусобақадошларимиз билан алоқани тобора мустаҳкамлаётирмиз, — сўзида давом этди Э. Қўлдошев. — Коллективимиз колхоз чорвадорлари учун хашар йўли билан 350 тоннага яқин пичан тайёрлаб беришди. Шу билан бир қаторда, колхознинг озуқа цехини ҳам ремонтдан чиқариб бердик. Колхозчи деҳқонлар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини самарали йўлга қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Шу боисдан корхонамиз лекторлари мусобақадош хўжалик меҳнаткашлари орасида тезтез бўлиб турадилар. Яқинда тажрибали лекторларимиздан З. Касянова, М. Муҳамедов, А. Эшонхўжаев ўртоқлар пахтакорлар ҳузурида бўлишди. Улар пахтани сифатли қилиб тайёрлаш, машина теримини самарали ўтказиш, уруғлик пахтани терганда нималарга эътибор бериш ҳақида лекциялар ўқишди. Қисқаси, Назарали Ниёзов номидаги колхоз аҳли билан заводимиз коллективи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёзаётир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Винница область Ямполь райони лавлагикорлари ва қанд заводи меҳнат аҳлига йўллаган Мактубида баён қилинганидек, ўзаро ҳамкорлик, мусобақалашиб ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мусобақадош Назарали Ниёзов номли колхозга етиб борамиз. Хўжаликнинг кўп қаватли муҳташам биносида колхоз раиси Ф. Мадалиев билан суҳбатлашдик. У ўзаро ҳамкорлик ва социалистик мусобақанинг шарофати ҳақида гапирди:

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Винница область Ямполь райони лавлагикорлари ва қанд заводи коллективига йўллаган табрик Мактубини зўр қониқиш билан ўқиб чиқдик ва муҳокама қилдик. Мактубда айтилганидек, ямполлик биродарларимизнинг бу ажойиб ташаббуси умумдавлат аҳамиятига моликдир. Колхозчи деҳқонларимиз ямполликларни қизғин қўллаб-қувватлайдилар. Биз Ф. Носиров номидаги Янгийўл пахта тозалаш заводи коллективи билан ҳамкорлик ва ўзаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб биламиз. Хўжалигимиз меҳнаткашлари мусобақадош дўстларимизга ваъда берганларидек, мавжуд 886 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31,4 центнер ўрнига 40 центнердан юқори сортли пахта етказиб бердилар. Далаларимизда олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил пишиб етилди. Хўжаликда пахтадан юқори ҳосил олиш мақсадида ўзаро социалистик мусобақа намуналари йўлга қўйилганлигини мамнуният билан айта оламиз. Мусобақада Ҳожиакбар Ҳожимирзаев, Яҳё Мамадиёров ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг азаматлари пешқадамлик қилишаётир. Улар ҳар гектар ердан камида 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун ғўза парваришини бир дақиқа ҳам бўшаштирмай юқори савияда олиб бордилар. Мусобақа шартларида айтилганидек, хўжалигимизда етиштирилган пахтанинг асосий қисми терим агрегатлари билан йиғиштириб олинади. 15 та «Заҳгори кема»нинг ҳаммаси пахта ремонт қилиниб, старт чизиғига териб қўйилди. Механизаторларимизнинг малакаси оширилди.

— Терим пайтида сифатга алоҳида эътибор берилади, — сўзини давом эттирди колхоз раиси, — бу билан биз мусобақа шартларидан яна биттасини шараф билан бажарган бўламиз.

Завод коллективи билан колхоз ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан тузилган шартнома ҳар кварталда якунланиб борилади. Ямполликларнинг ажойиб ташаббусига қўшилган ҳар икки коллективни янгидан-янги зафарлар кутаётир. Ўзаро социалистик мусобақанинг қудратли кучи бу ерда ҳам яхши самара бермоқда ва бундан буён ҳам ана шундай бўлаверади.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида ғўза дефолациясининг бориши ҳақида шу йил 14 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	7,7	108,0
Жиззах	8,1	85,8
Наманган	7,9	83,8
Сирдарё	10,9	77,7
Қашқадарё	8,0	71,6
Андижон	10,2	58,2
Бухоро	8,7	57,4
Сурхондарё	7,8	46,5
Фарғона	9,4	36,6
Самарқанд	4,2	12,5
ҚҚАССР	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	7,1	53,5

СОҲИБКОРЛАР МАРРАГА ЕТИШДИ

Фарғона области боғбонлари катта меҳнат зафарини нўлга киритдилар. Улар давлатга хўл мева сотиш йиллик планини ортиғи билан адо этишди. Тайёрлов идораларига 20 минг тонна ўрнига қариб 21 минг тонна маҳсулот етказиб берилди.

Бу муваффақиятга Ўзбекистон, Олтиариқ, Тошлоқ, Қува, Бағдод, Ленинград районлари соҳибкорлари катта ҳисса қўшдилар. Область колхоз ва совхозларида хўл мева тайёрлаш давом этмоқда.

О. ҲАКИМОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари давлатга кўк каноп пояси сотиш йиллик топшириғини Тошкент областида биринчи бўлиб бажардилар. Хом ашёни қайта ишлайдиган заводларга 2 минг тонна техника хом ашёси етказиб берилди, унинг 98 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Б. Абдулхаиров, У. Мирзабеков, А. Алимов бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 200 центнердан — планда белгиланганидан 15 центнер кўп каноп йиғиштириб олдилар.

ЯХШИ КЎРСАТКИЧ

НАМАНГАН. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Задарё райони полизчилари шаҳарликларга 9 минг 556 тонна ширин-шакар қовун-тарвуз етказиб бериб, халқ хўжалик планини 102 процент қилиб бажардилар.

Ильич номли колхоз полизчилари эса ҳозиргача белгиланган халқ хўжалик планини 116 процент бажариб, район полизчилари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада карвонбошилик қилишмоқда.

Қ. АКБАРОВ.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АНДИЖОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Андижон область партия комитетининг мажлислар залида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда журналистлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари ва бошқалар иштирок этди. Андижон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Усмонхўжаев область ҳаётини, айниқса пахта йиғим-терими қаҳрамонлари фаолиятини ёритишда матбуот ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Конференция пахта штаби фаолиятини кучайтириш тадбирларини белгилади.

А. ҚУРОНБОЕВ.

Оламда нима гап

БМТ ҲУЗУРИДАГИ СССР ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ НОТАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 сентябрь. (ТАСС). БМТ ҳузуридаги СССР доимий ваколатхонаси АҚШда АҚШ территориясидаги чет давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг, шу жумладан БМТ ҳузуридаги ваколатхоналарнинг иммунитетлари ва имтиёзларини тартибга соладиган янги қонун тайёрланаётгани муносабати билан БМТ Бош секретари К. Вальдхайм номига нота йўллади. Нотада янги қонунинг қабул этилиши ана шу иммунитетлар ва имтиёзларнинг жиддий равишда чеклаб қўйилишига олиб борилиши мумкинлиги қайд этилади.

Бизнинг назаримизда, дипломатия алоқалари тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенциясига мувофиқ Қўшма Штатлар ўз зиммасига олган мажбуриятларга мос келмайдиган, шунингдек ҳозирги халқаро ҳуқуқ принципларига ва нормаларига ҳамда дипломатия иммунитетлари ва имтиёзлари берилган кишиларга нисбатан умуман қабул этилган ҳар қандай практикага зид келадиган қоидалар айниқса ташвишлантирмоқда, дейилади нотада.

Аввало дипломатия иммунитетлари ва имтиёзлари берилган кишиларга нисбатан суд терговининг янги тартиби жорий этилиши тўғрисида конкрет гап боряпти. Ваколатхоналар ходимларининг ўзларига дипломатия иммунитетлари ва имтиёзлари берилган ёки йўқлигини аниқлаб бериш учун Америка судларига мурожаат қилишлари зарурлиги тўғрисидаги қоида, шунингдек маҳаллий судларга дипломатия ваколатхонаси конкрет ходимининг иммунитетлари ва имтиёзлари бор ёки йўқлиги тўғрисида қарор чиқариш ҳуқуқи берилиши халқаро практика нуқтаи назаридан мисли кўрилмаган ҳодисадир.

Бундай қоидаларнинг қўлланилиши дипломатия ваколатхоналари билан шу ваколатхоналар турган мамлакат маъмурлари ўртасида ва, биноборин, тегишли давлатлар ўртасида жиддий можаролар келтириб чиқариши мумкин.

БМТнинг ўз қароргоҳи жойлашган мамлакат — Қўшма Штатлар билан алоқа қилиш комитеть раисига ҳам шундай матнда нота юборилди. БМТ ҳузуридаги чет эл ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари хавфсизлигини таъминлаш шу комитетнинг вазифасига киради.

ЭФИОПИЯДА ТАНТАНАЛАР

АДДИС-АБЕБА, 13 сентябрь. (ТАСС). Эфиопияда феодал монархия режими ағдариб ташланганлигининг тўрт йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Социалистик Эфиопия, Совет Иттифоқи ва Куба Республикасининг давлат байроқлари, Маркс, Энгельс ва Ленининг портретлари, революцион шиорлар ва транспарантлар билан безатилган пойтахтнинг марказий майдони — Революция майдонида миллий армиянинг ҳарбий паради ўтказилди.

Эфиопия мудофаа министри бригада генерали Тайе Телахун парадни очатуриб, марказий минбарда ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги совет партия-давлат делегациясини ва Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Русни сидқидилдан табриклади. Министр Совет Иттифоқининг моддий ёрдамига ҳамда Эфиопия миллий армия кадрларини тайёрлашдаги кўмагига юксак баҳо берди. У Куба Республикаси Эфиопия революциясининг ғалабасига катта ҳисса қўшганлигини қайд этди.

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси Менгисту Хайле Мариам тантаналарнинг иштирокчилари ҳузуридаги сўзга чиқиб, Эфиопияда халқ армияси тузилганлигини, бу армия ҳалқнинг революцион ғалабаларини қатъий туриб ҳимоя қилаётганлигини уқтирди. Муваққат ҳарбий кенгаш Раиси Эфиопия халқи ҳамда унинг армияси контрреволюция ва империализм кучларига қарши курашишга қатъий бел боғлаганликларини айтди.

Менгисту Хайле Мариам Фидель Кастро Рус шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимидаги меҳмонлар қаторида Совет партия-давлат делегацияси ҳозир бўлди.

Қабул маросими олдидан Фидель Кастро Русга мамлакатнинг олий мукофоти — «Социалистик Эфиопиянинг ҳурмат юлдузи» тантанали вазиятда топширилди.

«АМЕРИКАЛИКЛАР СССР ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШЛАРИ ЛОЗИМ»

Атоқли негр спортчиси Муҳаммад Али ўзининг яқинда Совет Иттифоқига қилган сафарини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Қ.емлда уни қабул қилганлигини саминмийлик билан эслайди. М. Али «Нью уорлд ревью» журналининг мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Л. И. Брежнев билан қилган суҳбатимдан, Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида қўпгина кишилар билан ўтказган суҳбатларимдан мен шундай қатъий ишонч ҳосил қилдимки, совет кишилари ҳеч ким билан урушишни истамайдилар ва ҳеч қачон биринчи бўлиб уруш бошламайдилар. Совет халқи халқаро муносабатларни яхшилаш учун курашиб, узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик шароитида бунёдкорлик қурилишини давом эттиришга интилмоқда.

Баъзи бир америкаликлар Совет Иттифоқини нотўғри тасаввур қилмоқдалар, — деб уқтириб ўтди спортчи. — Бунинг учун АҚШда олиб борилаётган ғаразли пропаганда айбдордир. Бу пропаганда «совуқ уруш» замонларига қайтишни ва иккала халқ ўртасидаги муносабатларга нифоқ солишни тарғиб қилмоқда. Ғоят таассуфки, америкаликларнинг кўпчилиги совет халқи билан мен каби яқиндан таниша олмайдилар. Ўшанда улар баъзи бир ёзғонлар ва маъмурият вакилларининг даъволарига зид ўлароқ, Совет Иттифоқида 100 дан зиёд миллат ва элат аҳли ва дўст бўлиб яшаётганлигини, СССР — ирқий ҳурофотлардан ҳоли бўлган давлат эканлигини, Совет Иттифоқида АҚШда бўлгани каби бой пулдорлар ҳам, камбағаллар ҳам йўқлигини билиб олган бўлур эдилар.

Сўнгра М. Али менинг бир орзуим бор, у ҳам бўлса совет кишиларининг ҳаёти тўғрисида ҳаққоний фильми суратга олиб америкаликларга кўрсатишдан иборатдир, — Америкаликлар СССР тўғрисидаги ҳақиқатни билишлари лозим, деб таъкидлади у. — Халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чинакам яхшилаш йўлларидан бири мана шунда деб биламан.

(ТАСС).

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

САН-ХОСЕ, 13 сентябрь. (ТАСС). Никарагуа диктатори Сомосанинг қуролли кучлари Коста-Рика давлат чегарасини бузиб ўтиб, шу қўшни мамлакат территориясига бостириб кирди. Айни вақтда чегарадаги бир қанча районлар бомбардимон қилинди. Коста-Рика Қизил крести вакилининг айтишича, ана шу ваҳшиёна ҳужум натижасида камида 25 киши ҳалок бўлди.

Никарагуанинг Сандино номли миллий озодлик фронти партизанларини қувиш баҳонаси билан қилган қуролли ирвогарлиги Коста-Рика жамоатчилигини дарғазаб қилди. Республика президенти Р. Карасо бостириб кирилган районни келиб кўриб, ўз халқининг миллий суверенитетини қатъий туриб ҳимоя қилишга бел боғлаганлигини айтди. Коста-Рика ҳукумати Сомосага кескин норозилик йўллади ва Америка давлатлари ташкилотларига мурожаат қилиб, бу можарони шошилинч муҳокама қилишга чақирди.

АДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ, 13 сентябрь. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Ҳабибулла Амин бу ерда эълон қилинган суҳбатида қуйидагиларни айтди: Ҳозирги вақтда халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги интилиш ер куррасининг ҳамма районларида жуда яққол намоён бўлмоқда. Агрессив ҳарбий блоклар ўз мавқеларидан маҳрум бўлиб қолаётган ҳозирги вақтда социалистик мамлакатлар жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар билан иттифоқ бўлиб ўтказиб келаётган тинчликсевар сиёсати тобора кўпроқ эътироф этилмоқда, деб таъкидлади у.

Янги жаҳон урушининг бошланиш хавфини ҳис этаётган мамлакатларнинг кўпчилиги, деди Ҳ. Амин, империализм ва реакция кучлари кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш йўлига тўсқинлик қилаётганлигини ва бу жараёнга путур етказишга уринаётганлигини қатъий қораламоқда.

Министр капиталистик мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш проблемасига тўхталиб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: Узоқ вақт мобайнида бошқа халқларни эксплуатация қилиб, уларнинг бойлигини талаган мамлакатлар эндиликда етказилган зарарларни қоплашлари керак. Ҳ. Амин социалистик давлатлар ҳамда капиталистик давлатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўз муносабатларида тамомила фарқ қилувчи мақсадлар кўзда тутилганлигини таъкидлади. Биз, деди Ҳ. Амин, социалистик мамлакатларнинг ва аввало Совет Иттифоқининг ёш давлатларга бераётган ёрдамигина инсонпарварлик мақсадларини кўзда тутганлигига аминмиз. Социалистик мамлакатлар бошқа мамлакатларга нисбатан эксплуататорлик сиёсатини ёки агрессив сиёсатни ўтказа олмайдилар.

«БАҲОР» АНСАМБЛИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ХЕЛЬСИНКИ, 13 сентябрь. (ТАСС-ЎзТАГ мухбири). Финляндияда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли совет маданияти ҳафталиги доирасида ўз маҳоратини муваффақият билан намойиш қилмоқда.

Маданият ҳафталиги очилганида Хельсинкида ансамблнинг бўлиб ўтган биринчи концертиёқ томошабинларда зўр таассурот қолдирди. «Кансан уутисет» газетаси. «Ўзбекистон Хельсинкини мафтун қилди» деб ёзди. Ансамбль икки группага бўлиниб, ҳозирги вақтда Финляндия шаҳарлари бўйлаб сафар қилмоқда. Группадан бири мамлакатнинг ғарбий районларига гастролга чиқди. Бу группа Турку, Форсса, Раума, Пори ва бошқа шаҳарларда, иккинчи группа Лахти, Лаппенранта, Савонлинна, Варкаус ва марказий ҳамда шарқий Финляндиянинг бошқа шаҳарларида бўлади.

Совет Ўзбекистонининг намояндаларини томошабинлар қизғин қутиб олмоқдалар. «Сатакуннан тюэ» газетаси ғўзал, ўзига хос санъатни, юксак маҳоратни, «Баҳор» ансамблига хос программа ранг-баранглигини таъкидлаб, уни Совет Иттифоқидаги етакчи ижрочи коллективлар билан бир қаторга қўяди.

Ансамблнинг чиқиши бошланадиган «Баҳор» рақси — бу нурли вальс байрами, деб таъкидлайди газета. Бу рақс гуллаётган бодом гулдастасидек намоён бўладики, унинг ғўзаллиги либосларнинг нафис пушти рангида, ижрочиларнинг назокатида алоҳида кўзга ташланади.

Қизларнинг рақслари, хусусан «Пилла» рақси кишида унутилмас таассурот қолдиради, деб ёзади «Кансан уутисет» газетаси. — Бу рақс ўйнаётган қизларнинг қўлидаги тинчлик рамзи — оппоқ каптарларнинг парвози билан якунланади.

Матбуот ансамбль раҳбари — балетмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг катта ишини алоҳида таъкидлайди.

«Мукаррама Турғунбоева, — деб таъкидлайди «Хельсингин саномат» газетаси, — замонавий ўзбек рақсининг ижодкоридир, у халқ рақслари анъаналарини меҳр билан тўплаб ва асраб келмоқда. У ўз композицияларида ўзбек рақсининг ўзига хослигини томошабинга маҳорат билан етказа олди».

«Баҳор» ансамбли мамлакат бўйлаб сафарини тугатгач, 17 сентябрь куни Финляндиянинг Тампери шаҳрида совет маданияти ҳафталигининг ёпилишидаги якунловчи концертда ўз маҳоратини тўла составда намойиш қилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАРШАВА. Шчецин яқинида янги дарё порти фойдаланиш учун топширилди. Унинг причалларига ҳар бирининг ҳажми 500 тоннага борадиган 4 баржа айни бир вақтда келиб тўхташи мумкин. Порт юк ортиш-туширишга ишлари вақтини анча қисқартириш имконини берадиган серунум машина-механизмлар билан таъминланган.

◆ ОТТАВА. Канададаги энг йирик Торонто шаҳрининг аҳолиси ишга велосипедларда, йўлда учрайдиган автомобилларда ёки пиёда боришга мажбур бўлди. Автобус, трамвай ва метро поездларининг ҳайдовчилари забастовка эълон қилдилар. Улар нарх-навонинг ошганлиги сабабли иш ҳақининг кўпайтирилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

Чили халқи билан бирдамлик ҳафталиги

МЕН ЧИЛИГА ИШОНАМАН

Чилида қонли воқеалар юз берган кунга беш йилдан ошяпти. Ўшанда, 1973 йилнинг 11 сентябри тонгида халқаро империализм мададига таянган Чили реакцияси қонли жиноятга қўл уриб, Халқ бирлиги ҳукуматини ағдариб ташлади. Мамлакатда революцион ўзгартишларни амалга оширабошлаган президент ва унинг ўнлаб сафдошлари революцияни сўнгги нафасларигача ҳимоя қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Конституцияга мувофиқ сайлов йўли билан ҳокимият тепасига келган ва атиги уч йил яшаган Альенде ҳукумати мамлакатда чинакам революцион ўзгартишларни амалга оширди. Мамлакат бойлигининг асосий қисми халқ назоратига олинди. Ерсув ислоҳоти ўтказилди, ишсизлар камайиб, аҳоли катта кўпчилигининг турмуш шароити яхшиланди. Чет эл капитали қўлида бўлган банклар, ер ости бойликлари, корхоналар миллийлаштирилди. Бу эса чет эллик монополияларнинг Чилидаги бебошлигига чек қўйиш демак эди. Табиийки, Халқ бирлиги ҳукумати амалга ошира бошлаган бундай социал ўзгартишлар ички ва ташқи реакцияга, айниқса Америка империализмига ёқмади. Улар турли сиёсий партияларни, фашистик ташкилотларни мамлакатда ўтказилаётган социал ўзгартишлардан норози бўлган латифундистларни, савдогарларни, ҳарбийларни, майда буржуазияни С. Альенде ҳукуматига қарши гиж-тижладилар. Шу тариқа улар ўз ниятларини амалга оширишга муваффақ бўлдилар. 1973 йилнинг 11 сентябрида ҳарбийлар исён кўтариб, Чилининг халқ бирлиги ҳукуматини ағдариб ташладилар.

Сальвадор Альенде ҳалокатидан сўнг 11 сентябрь халқаро миқёсда мотам куни деб эълон қилинди. Жаҳондаги барча демократик кучлар Альенде хотирасини бажо келтириб, ҳар йили мотам кунини нишонлайдилар. Ҳар йили Чили халқи билан бирдамлик ҳафталиги ўтказилади. Ана шундай бирдамлик ҳафталиги бу йил ҳам 11 сентябрдан 17 сентябргача ўтказилмоқда. Касби шифокор бўлган Сальвадор Альенде айрим кишиларнигина эмас, балки бутун халқни фалокатдан, очликдан, таҳқирланишдан даволамоқчи бўлди. Мамлакатни янги ҳаёт сари бурди. Шунинг учун ҳам реакцион кучлар уни йўқотмоқчи, номини ўчирмоқчи бўлдилар. Тўғри, улар президентни ўлдирдилар, мамлакатни, халқни хонавайрон қилдилар. Лекин Сальвадор Альенденинг номини ўчира олмадилар. Чили ва жаҳон реакцияси томонидан ўлдирилган Альенде уларнинг жиноий йўлида тириклардан ҳам тирикроқ ғов бўлиб қолди, улар ҳар қандай фитналар уюштирмасинлар, ҳар қанча тўнтаришлар қилмасинлар, бу ғовни асло йўқота олмайдилар.

Ҳарбий тўнтаришдан сўнг Пиночет бошлиқ ҳарбийлар ҳокимиятни эгаллаб, Чили халқи бошига чексиз кулфатлар солдилар. Минглаб ватанпарварлар қирғин қилинди. Улар Чилини ўлим лагерига айлантиришди. Қонхўр Пиночет халққа уруш эълон қилди, деб кўрсатди Чилидаги сиёсий аҳволга баҳо берган Компартия. Матбуот маълумотларига кўра, Чилидаги ҳар бир қирқинчи киши концлагерь, қамоқхона азобидан ўтган, катта ёшдаги 130 граждандан бири отиб ташланган ёки осиб ўлдирилган.

Фашистик хунта тузуми Чили революцияси ютуқларини барбод қилди. Завод ва фабрикалар, ерлар халқдан тортиб олиниб, эски хўжайинларига қайтариб берилди. Чет эл монополияларига мамлакат экономикасининг эшиклари кенг очиб қўйилди. Чили экономикаси барбод қилинди. Бунинг оқибатида хунтанинг иқтисодий сиёсати Чилидагина эмас, халқаро майдонда ҳам кескин норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда ҳатто фашистик хунтанинг ягона таянчи бўлган ҳарбийлар орасида ҳам Пиночет сиёсатидан норозилар кўпайиб бормоқда. Яқинда Чили генералларидан бир группаси Пиночетни ҳокимиятдан четлаштирилишини талаб қилишди. Худди ана шундай бир пайтда Чилида Пиночетдан кейин иккинчи шахс ҳисобланган мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони Густаво Ли ўз лавозимидан четлатилди. Маълумки, 1973 йилдаги қонли сентябрь исёнининг илҳомчиси, «Ла Монеда»ни бомбардимон қилишга буйруқ берган бу генерал ҳам Пиночет сиёсати хунтанинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига олиб келганлигини эътироф этиб, мамлакатда граждан ҳукумати тузилиши лозимлигини айтган эди.

Мана, беш йилдан буён матонатли Чили халқи ҳарбий-фашистик хунтага қарши курашмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг қарорлари, халқаро жамоатчиликнинг актив бирдамлиги Чили халқининг бу курашига катта мадад бермоқда. Чилидаги фашистик террорнинг қурбонлари билан халқаро бирдамлик ўз қўлами жиҳатидан юксак даражага етди. Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар ва кўпгина бошқа мамлакатлар Пиночет хунтаси билан дипломатик алоқаларни узди. 1973 йилнинг 26 октябрида Москвада ўтказилган тинчликсевар кучларнинг халқаро конгрессида сўзга чиққан ўртоқ Л. И. Брежнев С. Альенде ва Чилининг бошқа демократларв ҳамда ватанпарварлари курашиб келган ва ҳозирги вақтда курашаётган ҳаққоний иш — мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт иши енгилмаслигига қатъий ишонч билдирган эди. Ҳаёт бу сўзларнинг нақадар ҳаққонийлигини тасдиқлади. Чили халқининг иродаси букилмади. У озодлик, демократия ва социал адолат учун курашни давом эттирмоқда. Чили халқи фашизмдан халос бўлиб, демократик жамият қуришига, орзулари амалга ошадиган порлоқ келажак қуришга, ер ости ва метро поездларининг ҳайдовчилари забастовка эълон қилдилар. Улар нарх-навонинг ошганлиги сабабли иш ҳақининг кўпайтирилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

ТЎЙЛАР: ИСТАК, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗАЛАР

ТЎЁНА

Республикамиз бир группа атоқли кишиларининг газетамизга эълон қилинган «Давр талаби» сарлавҳали мақоласи меҳнаткашлар ўртасида кенг муҳокама бўлди. Редакциямиз ана шу мақола юзасидан хат-хабарлар олиб турибди. Уларда тўйларимиз ҳақида яхши истак, таклиф ва мулоҳазалар билдирилади. Қуйида ана шу хатлардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Маҳалламизда тўй кетяпти. Бир йигит тўйхонага гулдаста кўтариб келди. У биология ўқитувчиси Шермат эди. У буни ўз боғида ўстирган турфа гуллардан келинкуёвларга атаб териб чиққанди.

— Ана, осон йўлини топибди, — пичинг қилди кимдир.

— Осон йўлини эмас, арзон йўлини деявер, — гапга қўшилди яна биров.

Хуллас, гул келтирган йигит унчалик илиқ кутиб олинмади, унга чеккароқдан ўрин кўрсатишди. Қўй етаклаб келган мўйловдор киши эса минг такаллуф билан тўрга ўтказилди. Бир яшик ароқ келтирган меҳмон ҳам «ҳиммати»га яраша иззатда бўлди. Бор товоғим, кел товоғим. Олмоқнинг бермоғи бор. Шу боисдан бўлса керак, ким нима келтирганини хатга тушириш тўй эгасининг жиянига топширилган экан. Бояқиш йигит тўёнанинг кўплигидан ким нима келтирганини хатга тушириб бўлгунча терлаб-пишиб кетди. Сал бўлмаса, адашиб ҳам кетаёзди.

Гап тўёна ҳақида боряпти. Бу ҳақда мулоҳаза юритиш ортиқча бўлмайди, деб ўйлайман. Чунки дабдабали тўйлар кўпайгани сари тўй совғалари ҳам маҳоватли тус олаётир. Совғанинг салмоғига қараб кишиларга иззат-икром кўрсатишга ҳаракат қилиш қоллари йўқ, дейсизми.

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий гўзал удуми. Киши-кишига дўст, ўртоқ, биродар бўлган жамиятимизда, турмуш фаровон замонамизда бу анъана мазмунан бойиди. Камтарин бир тухфада инсоний мурувват, эзгу ният мужассам. Совғани катта-кичикка ажратиш эса одобдан эмас.

Ҳар хил тўйларнинг гуноҳи бўляпмиз. Тўёналар ҳам хилма-хил. Бировлар тўйга қўй-қўчқор етаклаб келса, бошқалари ароқ, коньяк келтиришади. Кейингиси ярашмайдиган одат, кони зарарли ҳамдир. Чунки, ичкилик кўпайса, ичкиликбозликка йўл очилади. Қўй-қўчқордан кўра эсдалик сифатида сақланадиган маданий буюм келтирган маъқул эмасми?

Ҳали юқорида ўқитувчи йигит келин-куёвга гул тухфа қилганини айтгандик. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Гул — севги, нафосат рамзи. Шу чиройли тухфада «Бахтингиз гуллек очилсин» деган яхши тилак ўз ифодасини топади. Шундай экан совғанинг қийматини пулга чақиб, баҳолаш шартмикан?

Никоҳ тўйига мос келадиган совғаларнинг тури кўп. Янги қурилаётган оилага эсдалик тариқасида узоқ вақт сақланиб қоладиган турли буюмларни, санъат асарларини, уй-рўзғор буюмларини ҳадя қилиш мумкин. Аммо қимматбаҳо нарсани излаш ва ортиқча сарф-харажат қилишнинг эса ҳожати йўқ. Мебель ёки бирор бошқа турдаги буюмлар коллектив номидан совға қилинса жуда ярашиб тушади.

Тўйларда, юбилейларда тўн кийдириш, эсдалик совға топшириш одати қадимдан бор. Бу анъананинг давом этишига тарафдормиз. Лекин меъёри билан. Масалан, стол лампаси, электр устара, авторучка, графин, гултувак, пейзаж каби бадиий безакли буюмлар муносиб совға бўла олади.

Яқинда кўчамизда бир тўй бўлди. Эртаси куни тўй эгаси яшик-яшик ширинликларни топшириш ва пуллаш мақсадида магазинга кўтариб келибди. Булар кечаги тўйга тушган тўёналарнинг бир қисми эди. Бизнингча, тўйга озиқ-овқат маҳсулотларидан кўра, бошқа бирон бир эсдалик буюмлар тухфа қилинса, дурустроқ бўларди. Шунда ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олган бўламиз.

Шундай савол туғилади: тўйга совғасиз келса бўлмайдими? Бу — ҳар кимнинг шахсий иши. Дўстнинг қувончини баҳам кўриш, эзгу-ният изҳор қилишнинг ўзи ҳам кифоя. Таъмагирлик, меҳмоннинг қўлига қараш тўй қилган кишига сира ярашмайди.

Мақсад шуки, тўйлар ҳам, тўёналар ҳам давримизга муносиб бўлсин, ҳаётимизга файз-тароват, дилларга қувонч бахш этсин.

Эгам ИСКАНДАРОВ,
Урганч шаҳридаги 13-маҳалла комитети раиси, врач.

ИСТАРДИККИ...

Тўйларимизни санъат ва санъаткорсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қаерда тўй бўлса шу ерда куй ва қўшиқ таралади, рақс бўлади. Шаҳримизда тўй ўтказаётган кишиларга ўнғайлик яратиш мақсадида тўй бюроси очиб кўйилгани жуда маъқул иш бўлди. Бюронинг иш планида хизмат истаб келган ҳар бир кишидан тўйдан йиғирма кун олдин хизмат пули ва буюртма қабул қилиш зарурлиги таъкидланган. Хўш, аслида шундай бўляптими? Афсуски, йўқ. Баъзи обрўли санъаткорларнинг ўзбилармонлиги туфайли белгиланган бу тартиб қўпол тарзда бузилмоқда. Ҳозир тўй эгаси ўзи ёқтирган санъаткор билан аввалроқ «битим» тузиб ва ўша санъаткор «мени фалончининг тўйига юборинг» деганидан кейингина тўй бюроси буюртма ва хизмат ҳақи оладиган бўлиб қолган. Узингиз тўйга таклиф этмоқчи бўлган санъаткор эса «фалон сўм берсанг буюртма оламан» деб оёқ тираб туриб олади. Ана шундан кейин бундай санъаткор билан оддий отарчининг ўртасида қандай фарқ қолди?

Тўй бюроларини бундай отарчиларга эмас, балки хизмат талаб қилиб келган тўй эгаларига ўнғайлик яратиб берадиган ҳақиқий хизмат кўрсатиш жойига айлантириш пайти келди.

Ю. МУҲАМЕДОВ,
пенсионер.
Тошкент шаҳри.

* * *

Қорақалпоқ тўйларида бўлганмисиз? Айниқса янгича комсомол тўйларининг завқшавқини сурганмисиз? Бундай тўйлар Чимбой шаҳрида ҳозир кўплаб ўтказиляпти. Ҳеч кимга малол келмайдиган, ортиқча шовқин-суронсиз, маромида ўтаётган бундай тўйларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Партия ва комсомол ташкилотлари, маҳаллий Советлар янгича тўй ва маросимларни жорий этишни тарғиб қилиб ибрат кўрсатмоқдалар.

Аммо баъзан эскича расм-русумлар янги урф-одатлар билан омиҳта бўлиб тўйларимизга кириб келмоқдаки, улар турмуш тарзимизга фақат зарар келтирмоқда. Масалан, баъзи тўйларга четдан санъаткор чақириш одат бўлиб қолган. Бундай санъаткорлар тўй бюролари орқали эмас, балки нақд пул ҳисобига қаерлардандир айтиб келинади. У ўз санъатини намойиш этишдан аввал ўртага катта рўмол ёйиб, кишиларни пул ташлашга даъват қилади. Биринчи бўлиб тўй эгаси, кейин эса меҳмонлар пул кўтариб бирин-кетин ўртага чиқа бошлайдилар... Шундан кейин бундай тўйларнинг тарбиявий роли ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Баъзан мастбозлик, муштлашув билан якунланадиган бундай тўйлар фақат куёв ва келиндагина эмас, барча меҳмонларнинг қалбида сира ўчмас ёмон хотира қолдиради. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, тўй комиссияларигина эмас, ҳаммамиз ҳам бундай тўйлар ўтказишнинг олдини олишимиз лозим. Агар тўйга санъат хизмати кўрсатиш район бюроси ташкил қилинса, «Бахт уйи» қурилиб тўйлар ўтказиш марказлаштирилса айни муддао бўларди.

Т. ТОРЕМУРАТОВ,
Чимбой шаҳридаги Киров номли ўрта мактаб ўқитувчиси.



Ғанишинг чемпионлар ва совриндорлар: суратларда: (юқорида) кумуш медалли Михаил Боровский (Тошкент), олтин медаль совриндорлари Виталий Ларюшин (Тошкент), Иллҳом Парпиев (Ангрен), Сергей Данилов (Чирчиқ), Георгеос Михос (Тошкент), бронза медалига сазовор бўлганлар — Владимир Бойченко (Андижон), Игорь Гребенюк (Тошкент), Ҳасан Муҳамедов (Тошкент). Урталда: устоз ва шогирд — Б. Гранаткин билан Р. Рисқиев. Ринг майдонида. Пастда: (чапдан (чемпионлар Сергей Шахмухаметов (Челябинск), Қайрат Тлеуленов (Қарағанда), Сурен Оганян (Кировокан), Александр Митрофанов (Жигулевск), Геннадий Чернякевич (Барановичи), Александр Заев (Липецк), Станислав Фоменко (Москва), Владимир Богучарский (Новокуйбишевск).

Д. Гусеинов ва Э. Йўлдошев фотолари.

ЗАРБИ ЗЎР ЙИГИТЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ БОКСЧИЛАРИ УМУМКОМАНДА ҲИСОБИДА СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНИ НОМИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР

Мактаб ўқувчилари спортнинг тўрт тури бўйича ўтказилган баҳсларни ниҳоясига етказдилар. Зеро, сузувчилар, сувга сакровчилар ва қиличбозлар ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг энг қизиқарлиси, мухлислар эътиборини қозонгани ёш чарм қўлқоп усталарининг чемпионлик учун курашлари бўлди. Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залига ўрнатилган катта ринг атрофи бир ҳафта мобайнида мухлислар билан гавжум бўлди. Томошабинлар саралаш мусобақаларини муваффақиятли бошлаган боксчининг финалгоча курашни муваффақиятли давом эттиришини зимдан кузатдилар.

Сералаш баҳслари поёнига етиб, нимчорак учрашувларини давом эттирадиган боксчилар аниқланганидан кейин мухлислар ва мутахассислар ўртасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталарига эътибор билан қараш бошланди. Вакилларимиз учрашувларни кўтаринки рухда, ғужжумкорлик билан ўтказиб, совриндор ўринлардан биричи эгаллашга астойдил ҳаракат қилдилар. Лекин курашни ҳал қилувчи учрашувгача давом эттириш осон кўчмайди. Чунончи, тошкентлик Виталий Ларюшин нимчорак финалда ленинградлик тенгдоши Игорь Бурковни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Литвадан меҳмон бўлиб келган Михаил Довгяло билан учрашувда 5:0 ҳисобида устун келди. У финалга йўлланма олиш учун грузин боксчиси Давид Курашвили билан рингга чиқди. Бу учрашув ҳам Виталийнинг фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, боксчимиз кумуш медални нақд қилиб қўйди. Финалда эса уни Белоруссиянинг Гродно шаҳридан ташриф буюрган биринчи разрядли спортчи Николай Кузьменко кутарди. Виталий ҳал қилувчи баҳсда ҳам маҳоратини ишга солиб, рингдан қўли баланд ҳолда чиқди ва кўксига олтин медаль тақишга муяссар бўлди.

Е. ПОЛИКАРПОВ — БУТУНИТТИФОҚ ТОИФАСИДАГИ СУДЬЯ: — Ўқувчилар спартакиадасида иштирок этган боксчилар орасида умидли спортчилар борлиги биз мутахассисларни беҳад мамнун этди. Жумладан, челябинсклик Сергей Шахмухаметов ёки қозоқ боксчиси Қайрат Тлеуленов, москвалик Станислав Фоменколар келажакда совет спорти шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган маҳоратли чарм қўлқоп усталари бўлиб камол топишлари мумкин. Ўзбекистонлик боксчиларнинг чиқишлари кўпчиликни ҳайратга солди. Бу мамлакатимиз, қолаверса жаҳонга танилган боксчилар етишиб чиққан ўлкада спортнинг рингда олиб бориладиган баҳс турини ривожлантиришга катта имкониятлар яратилганидан далолатдир.

Республикамиз терма командасининг спартакиада чемпиони бўлишига муносиб ҳисса қўшганлардан бири ангренлик Иллҳом Парпиев бўлди. Иллҳом минсклик А. Войнов, молдавиялик М. Грисманлардан устун келиб, ярим финалда москвалик К. Курочкинни мағлуб этди. Шундай қилиб, И. Парпиев 57 килограмм вазнли боксчилар орасида финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи баҳсда Иллҳом биринчи разрядли спортчи бўлишига қарамай, спорт мастерлигига номзод арманистонлик М. Мурадянни енгди. Республикамиз командаси совринлар жамғармасига учинчи олтин медални чирчиқлик Сергей Данилов келтирди. Сергей ҳам барча учрашувларни муваффақиятли ўтказди. Р. Великанов (РСФСР), Э. Алекперов (Боку), М. Курмонбоев (Қирғизистон)лардан устун келиб, курашни олтин медаль учун давом эттирди. Финалда С. Данилов саратовлик спорт мастерлигига номзод Б. Деревицкийдан устун келиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

Р. РИСҚИЕВ — БОКС БУЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ:— Қўлига чарм қўлқоп кийган ўқувчиларнинг бокс тушиш лаирини саралаш мусобақаларидан бошлаб кузатдим. Тошкентга иқтидорли, келажаги порлоқ, умидли боксчилар ташриф буюришгани дастлабки мусобақаларданоқ кўзга ташланди. Республикамиз вакилларининг мусобақалари менда яхши таассурот қолдирди. Уларнинг ҳаракатлари тактик ва техник жиҳатдан мукаммал бўлиб, ғалабага эришиш йўлида сабр-матонат кўрсата олдилар. Ўзлаймизки, спартакиада чемпиони бўлишга эришган боксчиларимиз орасидан келажакда мамлакат терма командаси составида нуч синашишга арзигулик ёшлар камол топади.

66 килограмм вазнли боксчилар сафида республикамизнинг икки вакили финалда ўзаро рўбарў келдилар. Булар тошкентлик динамочилар Михаил Боровский билан Георгиос Михослар эди. Бу учрашувда Михоснинг қўли баланд келиб, олтин медаль эгаси бўлди. Шундай қилиб, республикамиз боксчилари тўртта олтин, бир кумуш, учта бронза медалини қўлга киритиб, умумкоманда ҳисобида пешқадамлик қилдилар. РСФСР вакиллари Ўзбекистон командасидан 5,5 очко орқада қолиб, тўртта олтин, иккита кумуш медаль билан иккинчи ўринни эгаллашди. Қозоғистонлик боксчилар ҳисобида бир олтин, бир кумуш ва тўртта бронза медали бўлиб, учинчи фахрли ўринга кўтарилдилар.

Х. НОСИРОВ.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **ФУТБОЛ.** Европа УЕФА кубоги учун учрашувда тбилисилик динамочилар Италиянинг «Наполи» коллективини қабул қилиб (2:0) галаба қозондилар. Москвалик торпедочилар ўз майдонларида Норвегиянинг «Мольде» коллективидан (4:0) устун келдилар.

● **ШАХМАТ.** Пицундада аёллар ўртасида жаҳон чемпионлиги учун курашаётган тож даъвогари Мая Чибурданидзе чемпион Нона Гаприндашвилини тўққизинчи партияда енгиб, ҳисобни ўз фойдасига 5,5:3,5 қилиб олди. Багиода эса 21-партия ниҳоясига етказилиб, Корчнойнинг қўли баланд келди. Ҳисоб ҳамон Карпов фойдасига — 4:2.

● **СУВ ТЎПИ.** Волгограда Тошкентнинг «Меҳнат» командаси СССР кубоги учун курашнинг зонал баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, ярим финалга йўлланма олди.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
87-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйичи юқори малакали ишчилар тайёрлайди: токарлар, фрезерчилар, радгорлар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, газ-электр пайвандчилар, техника бўлими контролёрлари, электриклар, колипчилар.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группа ўқувчиларига билим юртини тамомлагандан сўнг ўрта маълумот тўғрисида ва ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Четдан келган ўқувчиларга ётоқхона берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар пул мукофоти оладилар.

Колипчилар группасининг ўқувчиларига ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИМТИҲОН БЕРИЛАДИ.

Билим юртида ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳамма қулайликлар мавжуд.

Техника ва спорт тўгаракларга мунтазам ишлайди.

«Ёшлик» ўзбек халқ чолғу ансамбли ва вокал-чолғу ансамбли, рақс тўгараги доимо ўқувчилар хизматида.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка ва медицина справкаси (286-форма).

Визнинг адрес: Тошкент шаҳри, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 14, 21-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 18, 50, 54, 58-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-23, 53-95-21.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Қурилиш министрлигининг «Тракторострой» трести базасидаги
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр пайвандчи, арматурачи, бўёқчи, мозаикачи-плиткачи, паркетчи, сувоқчи, дурадгор, гишт терувчи-монтажчилар, темир-бетон конструкциясини монтаж қилувчи монтажчилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ва УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, 8—10 СИНФ.НИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар база корхонаси қурилишига ишга юборилади.

Билим юртини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг учдан бири билан таъминланадилар. 10 синфни битирганлар 30 сўмдан стипендия оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.)

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Баратков кўчаси, 4-уй, (17, 73-автобусларнинг «12-турар жой шаҳарчаси», 22-трамвайнинг «Шимолий-Шарқ массиви» бекати).

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЯНГИ МАСАЛЛАР

ЯПРОҚЛАР ВА ИЛДИЗЛАР

(КРИЛОВДАН БОШҚАЧА)

Келди ажиб, тароватли ёз,
Офтобан нурлар эмиб яшил ялпоқлар
Шаббодада рақсга тушиб, шўх-шўх
ўйноқлар

Ва бахтидан айтишарди роз:
«Бизлардирмиз шу водийнинг яшил
дилбари,
Шу улуғвор Она-дарахт ўғил қизлари.
Қўшиқ айтиб гўзаллигин мадҳин
куйлаймиз,
Кечалари ширин-ширин эртак сўйлаймиз,
Иўловчига биз берамиз салқин ва ором,
Булбул олар нағмасига бизлардан илҳом.
Доим яша, ўсиб-улғай, эй, Она-дарахт,
Бизлар эса хизматингда бўлайлик
ҳар вақт!»
Ер остидан товуш чиқиб, дедики шу чоқ:
«Эй, Ялпоқлар, қўшиғингиз бўлсин
кўп янгроқ,
Лекин сизлар бизларни ҳам
чиқарманг эсдан!»

«О, Илдизлар, биз абадий қарздормиз,
сиздан, —
Деб ялпоқлар таъзим билан айлашар
жавоб. —
Сизлар ахир ҳаётимиз тирагидирсиз,
Она-дарахт юрагидирсиз.
Сизлар билан тирикмиз ҳисоб.
Ахир, сизлар бахш айлайсиз бизга
ҳаёт-жон,
Сизларники — ким унутса бўлгуси хазон.
Сизлар унда яратурсиз озуқа — бойлик,
Биз нур эмиб Она-дарахт бўлур
чиройлик.
Мақсадимиз, дилимиз бир — яшаб,
яшнамоқ,
Шунинг учун сизлар билан бирганмиз
ҳар чоқ!
Сизлар борки, амал олиб яшнайди дунё,
Меҳнатингиз, ҳимматингиз — кўзга тўтиё!
Куйимизга, рақсимизга сабабчи Сизлар,
Раҳмат Сизга, қўли қадоқ, азиз Илдизлар!

ИККИ МУШУК

Айни шу замонда,
Бир хонадонда
Яшарди бақамти иккита мушук.

Бириси — Мош мушук, кўримсиз, ҳунук,
Иккинчиси эса жуда чиройли,
Сип-силлиқ, бежирим, худди киройн

Мушукмисан мушук дегудек эди,
Тўлади ҳар қандай мушукбоз диди.
[Ўқувчини бекор қийнамоқ нечук,
Ғанчдан ясалганди иккинчи мушук].
Жонсиз, қуруқ савлат бўлса-да ҳарчанд
Кўтарарди доим бурнини баланд.
Нега кибру-ҳаво қилмасин, ахир,
Мош мушук ўззу-кун пойлаб сичқонни
Не азоб-ла қорнин тўйғазса аранг,
Омадни қаранг:
Ганч мушук жонини қийнамай тақир
Ютарди ямламай танга-червонни.
«Эҳ, — дерди ганч мушук Мошга
безабон, —
Сенга қараб туриб бўламан ҳайрон.
Қўшни-ей, олсанг-чи сен мендан ўрнак,
Яшашнинг йўлини билиш ҳам керак»,
Мош мушукчи, унга солмасди назар.
[Қарангки, дарди йўқ сопол матоҳдан
Ишламай тишлаган текинтомоқдан
Ҳаттоки мушук ҳам қилади ҳазар].
Чамамда гапимиз чўзилди пича,
Не билан тугади охир натижа!
Ганч мушук бойликни тўплади роса,
Бир кун қараса —
Келибди олганин қайтармоққа гал:
Бор куч-ла кўтариб урилган маҳал
Парча-парча бўлди мушук бачоғоҳ.

* * *

Емасдан-ичмасдан дунё йиққанлар,
Олтину-зарларни ҳумга тиққанлар
Кошки бу мисолдан бўлишса огоҳ.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Қўшиқ-қўшиқон». 10.55 — «Қаерда эдинг, Одиссей?» Бадиий фильм, 3-серия. 15.30 — Кинопрограмма. 16.00 — Концерт. 16.10 — «Жонажон табиат». 16.30 — «Шахмат мактаби». 17.00 — «Москва ва москваликлар». 17.30 — «Ўрлёнок». 18.10 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Расмларда қўёш акси бор». 19.00 — «Узоқ Шарқ илмий марказидан». 4-кўрсатув. 19.30 — «1978 йил қўшиқлари». 20.00 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!. 20.15 — «Қаерда эдинг, Одиссей?» Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Юмор кечаси». 23.30 — Концерт. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Концерт. 12.35 — «Бронза қуш». Бадиий фильм, 2-серия. 18.00 — Мультфильмлар. 18.25 — «Ёшлик». 18.55 — «Партия ҳолими минбари». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Актёрлар ва роллар». Т. Мўминов. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Чорвачилик — зарқдор фронт». 22.15 — «Гайдуклар». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Бадиий фильм. 20.35 — СССР халқларининг рақслари. 21.00 — Янгиликлар. 21.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.50 — «Тошкент ва тошкентликлар».

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Классик куйлардан концерт. 9.30 — Радиопостановкалардан қўшиқлар. 11.15 — «Аёллар мероси». 11.30 — «Ассалом келажак». Кантата. 12.00 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — «Хоразм балиқчиларининг меҳнат вахтаси». 13.30 — Иттифоқдош республикалар эстрадаси. 14.00 — «Машина теримига тайёргарликни кучайтирамиз». 16.10 — Ёшлар учун концерт. 18.30 — «СССР Конституциясининг бир йиллигига». 18.45 — «Юксак Узбекистана». 19.40 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.50 — А. Қодиров чалади. 20.40 — Москва. «Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар». 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талаблари. Бадиий концерт. 22.28 — Р. Файзий туғилган кунининг 60 йиллигига. 23.30 — Дам олиш концерти.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/IX да **Анна Каренина**, 16/IX да **Пиковая дама**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/IX да **Олифта**, 16/IX да **Олифта**, 17/IX да **Тошкентнинг нозанин малиласи**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IX да **Тинмасин соз**, 16/IX да **Ҳаммомга бало борми?** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ — ДЎСТЛАР ДУНЕСИ» АТТРАКЦИОНИ (Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. ТИХОНОВ).

ПАХТАКОР РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

токарлар, электр пайвандчилар, йўл техникаси слесарлари, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, темирчилар, электрчилар, фрезерчилар

КЕРАК

Кўчиб ўтилаётганда подъёмний тўланади. Чақириқ қоғози бўлганларга квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: 70980, Жиззах область, Пахтакор шаҳри.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-33, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62, Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 65-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42, Қашқадарё — 38-42, Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-62; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-76-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03607. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 212.